

Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва уларни турмушга тадбиқ этиш бугунги кун талабидир.

доц. С.Х. Суёнов

ўқит. К.Б. Суёнова СамДТИ

Аннотация. Мақолада Президентимиз Олий мажлисга Мурожаатномасида туризмни ривожлантиришда ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммолар уларнинг ўз вақтида ечимини топиш зарурлигини қайт этиб, туризмнинг турли соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, ушбу соҳада фаолият кўрсатиётган раҳбарлар маъсулиятини, туризм соҳасида истиқболли режалар ишлаб чиқиш, уларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш масалаларини асослаб берди.

Калит сўзлар: Давлат бюджети, туризм соҳалар, истиқболли режалар, зиёритгоҳлар, инвестициялар.

Аннотация. В статье говорится о том, как Президент Республики Узбекистан в своём обращении к Олий Мажлису подчеркнул важность своевременного решения проблем в сфере развития туризма. Так же подчеркнул важность развития различных отраслей туризма и вопросы обеспечения ответственности руководителей сфер туризма, а также разработки перспективных планов в данной отрасли.

Ключевые слова: Государственный бюджет, туристические отрасли, перспективный план, достопримечательности, инвестиции.

Annotation. The article talks about how the President of the Republic of Uzbekistan, in his address to the High Council, stressed the importance of timely solving problems in the field of tourism development. He also stressed the importance of the development of various branches of tourism and the issues to of ensuring the responsibility of managers of the tourism industry as well as developing long-term plans in this industry.

Key words : state budget, tourism industries, prospective plan, sights, investments.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномасида туризмни ривожлантириш соҳасига инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўришимиз лозимлигини қайд этди.

Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий – маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолганлигини, ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қуриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд.

Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беришини қайд этди.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши зарурлиги кўрсатилди.

Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозимлиги кўрсатилди.¹

Туризм соҳасини ривожлантириш учун энг долзарб муаммолардан бири парламентнинг муҳим қарорларини қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш лозимлигига Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномасида алоҳида қайд этилиб, ҳозирги кунда Конституцияга мувофиқ, парламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирни лавозимига қўйишда қатнашмайди.

Шунинг учун ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этаётгани йўқлиги. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси

¹Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018 йил, 29 декабрь

аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш омилларини киритишни таклиф этди.

Демак, бўлажак вазир парлмент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилсин ва унга эришиш йўлларини асослаб бериши кераклиги қайд этилди.

Бир сўз билан айтганда лавозимига муносиб эканлигини исботласин.

Айни вақтда жойлардаги маҳаллий Кенгашларда ҳам вилоят ва туман идоралари раҳбарларини тасдиқлаш бўйича мана шундай амалиётни жорий этиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Парламент назоратининг таъсирчан шаклларида бири бўлган Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият беришимиз зарур. Бу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун Олий Мажлис қошида Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди. Яна шу билан бирга ижро ҳокимияти тизмини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш зарурлиги кўрсатилди.

Барча давлатларда Ҳукумат ислоҳотлар ижроси учун жавоб берадиган юқори ваколатли орган ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ҳукумат Комплекслари таркибига 160 дан ортиқ идора ва ташкилотлар киради. Бош вазирнинг соҳа ва тармоқлар бўйича 8 нафар ўрнибосари мавжуд.

Лекин Вазирлар Маҳкамаси ва унинг таркибидаги идораларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ўрни бугунги кун талабига жавоб берадими? Бу саволга афсуски, ижобий жавоб бераолмаймиз.

Вазирликлар ва компания раҳбарлари арзимаган масала бўйича ҳам Вазирлар Маҳкамасига қатнашга ўрганиб колган. Оқибатда, ҳукумат фақат кундалик жорий масалаларни ҳал қиладиган тизимга айланиб бормокда.

Шу сабабли иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш ва узоқ муддатли тизим яратиш эса эътибордан четга қолганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Шу билан бирга Президентимизнинг 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берганлигимуносабати билан Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг чет элдаги ваколатхоналари ҳам ўз ишини қайта кўриб чиқишлари лозим бўлишлигини кўрсатиб ўтди.

Бундай буён бизларнинг хориждаги элчиларимизга ҳам талаб ўзгарди. Уларнинг фаолиятига, биринчи навбатда, инвестицияларни жалб қилиш бўйича қандай ишлаётганига ҳамда ана шу инвестиция миқдорига қараб баҳо берилишини қайд этди.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, Ҳукумат ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идоралар фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрларнинг шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-

тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш вазифаси юклатилганлигини кўрсатди.

Туризм соҳасида масъул бўлган раҳбарлар ҳам, республикамизда туризмни комплекс ривожлантиришга доир узок муддатли истиқболли режалар ишлаб чиқиш лозим.

Президент қабулхоналарининг икки йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатадики, биз яқин ўтмишда халқдан унинг ташвиши ва муаммоларидан анча узоқлашиб қолган эканмиз.

Биз фуқаролар билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишимиз, илғор давлат менежменти ва “ақлли” бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишимиз кераклиги қайд этилди.

Бу шуни билдирадики, энди давлат муассасалари бевосита фуқаро билан ишлашга ўтади.

Давлат идоралари халққа, жумладан, тадбиркорларга яқин кўмакчи бўлиши зарур.

Давлатнинг бошқарув соҳасидаги баъзи функцияларини давлат хусусий шерикчилик асосида, жумладан, “ауторсинг” шаклда хусусий секторга топшириши лозимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматида малакали, билимли ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Президентимиз – давлат корхоналарида малакали ва етук кадрлар етишмаслигини қайд этди. Шу билан бирга туризм соҳасида ҳам тилни биладиган мамлакатимиз тарихини, тарихий обидаларини чуқур биладиган хорижий туристларни тарихимиз, тарихий ёдгорликларимиз моҳиятини чуқур тушунтириб берадиган малакали кадрларга эҳтиёж сезилмоқда.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун, аввало давлат хизматлари фаолиятини ҳолисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этилишини қайд этади Президентимиз.

Эътиборингизни яна бир муҳим вазифага қаратмоқчиман деб қайд этади Ш.Мирзиёев: - Давлат органларида эртага, истиқболда қандай вазифалар долзарб бўлиши, содда қилиб айтганда, беш, ўн йигирма йилдан кейин қандай муаммолар олдимизда кундаланг бўлишини прогноз қиладиган тизим ҳали шаклланганлиги йўқлигини қайд этди.²

Бу масалада ривожланган мамлакатлардан бири Германия тажрибаси ўрганишга арзигулик аҳамиятга эга. Германия тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ташкилоти, ҳар бир иш билан фаолият кўрсатадиган шахсинг рейтингини ишлаб чиқилган. Масалан. Архитектура бошқармасининг 200 йилга мўлжалланган истиқболли режаси мавжуд. Архитектура бошқармаси мана шу ўзининг истиқболли режаси бўйича

²Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь

мустақил ишлаш имкониятига эга. Унга ҳаттоки канцлер ҳам бирор соҳада буйруқ бера олмас экан.

Ҳар бир давлат ташкилотида ўзининг истиқболли режаси бўйича мустақил ишлаш тизими шаклланган. Ҳар бир давлат раҳбари ҳар бир мансабдор шахс, ҳар бир иш билан фаолият кўрсатаётган шахснинг илмий асосда рейтинги ишлаб чиқилган. Ҳар бир мансабдор шахсни ёки оддий ишчими унинг бир кунда 7 соат иш вақти илмий асосда ишлаб чиқилган.

У ишчилар 5 минут бирор ўз вазифасига тааллуқли бўлмаган иш билан шуғулланиши, ёки суҳбат қилиш имкониятига эга эмас. Агар у 5 минут диққатини бошқа ишга қаратса унга беркитилган вазифа бажарилмайди. Шу бошқариш ютуқларни бизнинг ҳам мамлакатимизда қўллаб ҳар бир соҳада энг камида 25-30 йилга мўлжалланган илмий асосда истиқболли режалар ишлаб чиқилса. Ушбу тасдиқланган режа бўйича ҳар бир соҳа тизимли фаолият кўрсатса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мана шундай тизимли, истиқболли узоқ муддатга мўлжалланган режани туризм соҳасида ҳам ишлаб чиқиш уни ҳаётга тадбиқ этиш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Сабаби бизнинг мамлакатимиз бой маданий марказлар, тарихий обидаларга эга. Шунга қарамасдан йиллаб ушбу туризмни ривожлантиришга етарли эътибор бермай келинган. Бу мамлакатда иқтисодий ривожланишга салбий таъсир этади.

Баъзи ривожланган мамлакатлар, масалан, Францияга бир йилда 78 миллион. Сингапурга 29 миллион турист келиб кетади. Бундай туризмнинг ривожланганлиги давлат иқтисодиётини ривожлантиришга жуда катта самара беради. Масалан, Францияда давлат бюджетининг 29-30 фоизи, Сингапурда ҳам 29-30 фоиз давлат бюджетини туризм ҳисобидан қопланади. Аҳолисининг ҳар 8 кишидан бири туризм соҳасида меҳнат қилади. Бизда 2 йилдан бери Президентимизнинг туризмни ривожлантиришга доир соҳа ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда туризм энди 2018 йилда 5 миллионга етди. Давлат бюджетининг жуда кўпи билан 1,5-2 фоизини ташкил этади.

Шунинг учун мамлакатимизда Президентимизнинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги қарорлари ижросини таъминлаш учун туризмнинг ҳар бир соҳаси бўйича илмий асосда истиқболли режалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Қайд этишимиз лозимки, туризмни истиқболли ривожлантиришга доир узоқ муддатга мўлжалланган режалар ишлаб чиқиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Имом Бухори зиёрат комплексига ҳар йили 1,2 марта боришга тўғри келади. Борганда зиёратга кираётган зиёратчиларни ҳисобга олиш тизими йўқ. Бир марта 2017 йилнинг декабрь ойида 2 та меҳмонлар Қашқадарёдан келган эди шулар билан бордик. Борганда ҳеч ким ҳисобга олиб чек берганлигини курмадик. Ичкарига кириб Имом Бухорийнинг қабрларига борсак иккита киши икки томонда ўтириб, зиёратчилар ўрталикда ўтиришибди. Муллолар Қуръони Каримдан оят тиловат қилаётир, тиловат қилиб омин қилгандан кейин 5-6 киши жойидан туриб ҳар бири пул бераётир, пулни иккита оят ўқиётган муллолар кистасига солаётир.

Қаршисида цеф турибди унга ташлашга имкон бермаётир. Улар тургандан кейин бизлар 4 киши ўқиттирдик, муллолар тиловат қилмоқчи эди. Уларга айтдим бизлар билан келган одамлар ичида эшонбобо бор уша киши ўқисин деб айтдим.

Биз билан борган ёш эшонлар авлодидан шогирдимиз Куръони Каримдан қироат билан тиловат қилди. Ҳар биримиз савоб учун пулни ташламоқчимиз, қаршимизда пул ташлайдиган цеф турибди. Иккита мулло икки томондан туриб бизларга беринглари цеф қутисига ташлашнинг хожати йўқ деб баён қилаётир. Мен меҳмонларга ҳам, ўзим ҳам пул чиқариб цеф қутисига ташладик. Ана шундай ҳолатлар деярли ҳамма зиёратгоҳларда ҳам учрайди.

Шунинг учун ҳамма зиёратгоҳларга келаётган кишиларнинг ҳар бирини назорат қилиб чек бериш, агар чек берилмаса цеф қутисига ташлатиш ва ҳисоб-китобни тартибли ва тизимли равишда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда туризмга хос бўлган объектларнинг барчасини ободонлаштиришга эътибор қаратиш керак.

2. Республикада туризмни бошқарувчи ташкилотлар ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, туризмни ривожлантиришга доир 20-30 йилга мўлжалланган истиқболли режалар ишлаб чиқишлари ва уни парламентда муҳокама қилиб тасдиқлатиш лозим.

3. Республикада мавжуд бўлган туристик ташкилот ва маданий объектларнинг ҳам истиқболли режаларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

4. Барча туристик объектларда айниқса зиёрат жойларда маблағ тушумларини қаттиқ тизимли равишда назорат қилишни ташкил этиш зарур.

5. Мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини бой маданий объектларнинг мавжудлигини интернет йўналишлари орқали кўпроқ дунёга танитиш масалаларини такомиллаштириш талаб этилади.

6. Туристларга хизмат тизими. Меҳмонхоналар, дам олиш, ҳордиқ чиқариш, харид қилиш масканларини талаб даражасида ташкил қилиш талаб этилади.

7. Барча туризмга боғлиқ бўлган ҳудудларда туризмни ривожлантиришга маҳаллий ва хорижий инвесторларни киритиш ва уларни амалиётга жорий этиш лозим.